

ИСТЕЪДОД ТАРБИЯСИДА ИЖОДКОРЛИКНИНГ ЎРНИ

*Тогаев Хўжамберди¹, Алқаров Қодир Холматович¹,
Бозорбоева Шохсанам²*

*¹А.Қодирий номидаги ЖДПИ, Технологик таълим кафедраси ўқитувчилари, ²Физика ва технологик таълим факультети талабаси
e-mail: mr.godir@bk.ru*

Аннотация: Инсон нерв системасининг, ҳар бир организм тузилишининг ва мианинг туғма хусусиятларга эга эканлиги қобилиятнинг ота-онадан ўтишини билдирмайди. Кўпгина оилаларда бир неча авлод бир касбни эгаллаши ва шу соҳада ўз истеъдодларини кўрсатиши мумкин.

Калит сўзлар: истеъдод, лаёқат, ижодкорлик, ҳунарманд, ҳунармандчилик, буюклик.

Аннотация: Тот факт, что нервная система человека, структура каждого организма и мозг имеют врожденные характеристики, не означает, что способность передается от родителей к родителям. Во многих семьях несколько поколений могут выбрать профессию и продемонстрировать свои таланты в этой области.

Ключевые слова: талант, способности, творчество, мастер, ремесленник, величие.

Abstract: The fact that the human nervous system, the structure of every organism and the brain have innate characteristics does not mean that the ability is passed from parent to parent. In many families, several generations can choose a profession and showcase their talents in this area.

Key words: talent, ability, creativity, craftsman, artisan, greatness.

Истеъдод сўзига Ўзбек тилининг изохли луғатида «Истеъдод» - арабча «Ижодий қобилият, лаёқат, талант» деб таъриф берилган. Шу манбанинг 425-саҳифасида лаёқатни «Лаёқат-(араб) билишга қобиллик уддалаш қобилияти» дейилади. Инсоннинг муайян бир фаолиятга лаёқатини, истеъдодини белгиловчи «Куртаклар» нима ўзи?

Масалан, нафас олиш йўлларианинг анатомик тузилиши, овоз пардаларида ашула айтишга, суҳандонликка бўлган имкониятнинг шаклланиши (Левитанга ўхшаб) да муҳим рол ўйнайди. Лекин буларни ҳали туғма истедод деб бўлмайди, балки улар туғма имкониятлар холос. Шу маънода чуқур таҳлил ва ижодий тафаккур қилиш лаёқати кучли хотира, идрок, фикр юритишлар истеъдоднинг шаклланишида катта аҳамиятга эга.

И.П.Павлов Нерв системасининг хусусиятлари туғма эканлигини эътиборда тутиш билан бирга, уларнинг ниҳоятда ўзгарувчанлигини ҳам назардан қолдирмаслик керак, деб таълим беради. Турли муҳит таъсирида нерв системаси ўзгаришга ҳам қодирки, бу ҳол кишининг характер ва қобилиятлари такомилда муҳим омил бўла олади.

Инсон нерв системасининг, ҳар бир организм тузилишининг ва миянинг туғма хусусиятларга эга эканлиги қобилиятнинг ота-онадан ўтишини билдирмайди. Кўпгина оилаларда бир неча авлод бир касбни эгаллаши ва шу соҳада ўз истеъдодларини кўрсатиши мумкин.

Буни, айниқса миллий ҳунармандчилигимизга оид ижодкорлик ҳунарнинг отасидан боласига, ўтиб келган усталар ҳаётида яққол кўришимиз мумкин. Лекин шуни унутмаслик керакки, ота-она касбини бола эгаллаши доимо зарурий ва қонуний нарса эмас. Бу нарса боланинг ота-она касбига бўлган лаёқатига боғлиқ. Агар ашуланининг фарзанди яхши овозга эга бўлмаса, у қанчалик уринмасин, бари бир, ҳеч кимда завқ уйғота олмайди.

Аксинча, авлодида машҳур инсонлар ўтмаган оилалардан зўр талант эгалари чиқиши ҳоллари ҳам кўп учрайди. Бунда муайян ижтимоий муҳит ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Хуллас, истеъдод - кўп қирралаи талант, лаёқат ва қобилиятлардир. Шу маънода, инсон ақлий имкониятларининг ўртачадан юқори даражасини истеъдод дейиш мумкин. Ҳеч ким истеъдодли бўлиб туғилмайди, балки бола маълум бир имконият билан дунёга келади. Аслида ноёб истеъдод туғма бўлади. Ҳамма гап ана шу истеъдодни рўёбга чиқаришда ижодкорлик муҳити учун шарт-шароит яратишдадир. Шундагина имконият юзага чиқиб, истеъдодга айланиши мумкин.

Истеъдод – талант, нафсиламларини айтганда, туғма лаёқатлар маҳсулидир. Дарҳақиқат, «Қуйма ақл бўлмаса, тurtма ақл ҳеч бўлур». Истеъдоднинг, энг олий даражасига кўтарилган даҳолар инсоният тарихи, фан ва техника ҳамда маданият ривожини учун бекиёс хисса қўшадилар, оламшумул аҳамиятга молик кашфиётлар қиладилар, йирик, асл асарлар яратадилар. Уларнинг номи инсоният тарихида абадий қолади. «Илмсиз бир яшар, илмли минг яшар», дейди халқимиз. Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино каби алломалар фан оламининг минг ёшдан ошган буюк даҳоларидир. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, истеъдодли шахсларнинг аксарияти ўртамиёна ижодкорларнинг узоқ йиллар давомида қийналиб аранг бажариши мумкин бўлган ёки, умуман

хеч қачон эплей олмайдиган ишларини мутлақо қийналмасдан, тез ва пухта уддалай олиш хислатига эгадирлар.

Шуниси диққатга сазоворки, истеъдодлилар ҳам, даҳолар ҳам жонини жабборга бериб ишлашга қодир шахслардир. Элементлар даврий системаси асосчиси Д.И.Менделеев таъкидлаганидек, «Ҳамма нарса меҳнат шарофатидандир... Зўр бериб меҳнат қилинмаса, на талант ва на гений туғилади». 21 ёшидан ихтирочилик билан шуғулланган Томас Эдиссон 50 ёшгача ҳар суткада 19,5 соатдан, сўнг 18 соатдан ишлаган ва инсоният тарихида буюк ихтирочи сифатида ном қолдирган 1098 та ихтиро муаллифидир. Буюк ихтирочи истеъдоднинг 99 фоизини ижодкорлик меҳнати ташкил этади, деб ҳисоблаган.

Чинакам ижодкор вақтдан ниҳоятда унумли фойдаланади. Манбаларда қайд қилинишича, Берунийнинг «... бирон вақт ҳам қўли қаламсиз, кўзи назарсиз ва дили фикрсиз бўлмаган. У нафақат Наврўз (янги йил) ва Меҳржон (ҳосил йиғиш) куни тирикчилигига керакли нарсаларни олиб, жамғариш учун (кўчага) чиқарди холос». Француз ёзувчиси Жюль Верн уйдан чиқмай, бемалол ишлаш учун сочининг ярмини олдириб, ярмини олдирамасди, Эмил Золя эса ҳар кун ишлайдиган столи ёнидаги стулга ўзини ўзи боғлаб кўярди... Сирасини айтганда, фанда ўта қобилиятли, ақл-заковотли тадқиқотчиларга нисбатан унчалик қобилияти бўлмаса ҳам билим, малака ва кўникмага эга бўлган ҳамда виждонан, сидқидилдан, тиришиб – тирмашиб меҳнат қиладиган тадқиқотчилар кўпроқдир. Аммо, бошқа соҳаларда бўлгани каби ижодкорликда ҳам, ёлчителиб ишламаса ҳам юлдузни бенарвон урадиган устмонлар, “Хотамтой” илмий раҳбарлари туфайли бир амаллаб илмий даража ва унвонларларга эга бўлган “ландавур”лар ҳам, учраб туради.

Истеъдод куртагининг гуркираб ўсиши учун унга мос тушувчи маълум иш фаолият ва мувофиқ шароит бўлиши зарур. Уларсиз ҳар қандай зўр истеъдод куртаги ҳам ривож топа олмайди. Мисоллар: Моцарт 4 ёшида клавесин чалиб, 5 ёшида мусиқа тўқиган, С.Маргелян талабалик чоғидаёқ физика-математика фанлари доктори бўлган, Алишер Навоий 5 ёшида шеър ёзишни машқ қилган бўлса, Э. И. Гусева аввал шароити бўлмаганлиги туфайли 40 ёшида саводини чиқариб, 73 ёшида докторлик диссертатсиясини ёқлаган, Жеймс Уатт, Ж.Свифт, К.Гаусслар «Мактабнинг ўғай ўғиллари» бўлиб, лаёқатсиз болалар қаторида бўлган. И.Ньютон ва Л.Эйлерлар мактабда физика-математикадан нўноқ бўлган. Карл Линнейдан фақат этикдўзгина чиқиши мумкин, деб ҳисоблашган, Гельмголцни салкам ақли

заифга йўйишган. Аммо улар ижодкорлигини ривожлантириш туфайлигина буюкликка бўй чўзган.

Ижодкорлик мухити ҳар қандай жамиятда долзарб масала бўлиб келган ва унинг ечимлари ҳақида ўша жамиятнинг онгли аҳолиси (интеллектуал салоҳиятли авлоди) қайғуриб келган. Улар бўйича олинган истикболли ижодий ечимлар авлоддан-авлодга ўтиб келаверган ва улардан баъзилари ўғит, ҳикмат ҳамда панд-насихат кўринишини ҳам олган. Айниқса, бу борада улуғларимизнинг истеъдодини ёшлар ижодкорлигига ибрат-намуна қилиб кўрсатсак, янги Ўзбекистонда баркамол авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади. Бунга қуйидаги мисолларни келтириш мумкин:

- Ибн Сино тўрт ёшида Куръонни тўла ёд олган.
- Алексей Толстой олти ёшида француз, немис, инглиз тилларини билган.
- Алексадр Грибоедов ўн бир ёшида университетга ўқишга кириб, олти йилда учта факультетни битирган.
- Чингиз Айтматов беш ёшида таржимонлик қилиб, ҳақ олган.
- Алишер Навоий беш ёшида шеър ёзишни уддалаган.
- Гёте 9 ёшида немис, лотин ва грек тилларида шеър ёзган.
- Паскал ўн беш ёшида биринчи илмий ишини химоя қилган.
- Улуғ композитор Вольфганг Амадей Моцарт тўрт ёшида мусиқа асбобларини чалиб кўшиқ айта бошлаган. Беш ёшида мусиқий асар ёзган.
- Академик Л.Ландау ўн йиллик мактабни ўн уч ёшида тамомлаб, ўн тўрт ёшида университетнинг иккинчи курсига (тиббиёт факултетига) қабул қилинган.
- Атоқли олим С.Маргелян ёшлигидан математикага қизиққан. У бир ўқув йилида 8-,9-,10-синфларнинг имтиҳонини топширган. Ўн олти ёшида университетнинг иккинчи курсига қабул қилинган. Бир ярим йилда номзодлик минимумини тайёрлаб, 20 ёшида фан доктори бўлган.

Демак, ҳар бир жамият, жамоа, оила ва ҳаттоки айрим инсонларнинг ҳам юксак орзулари амалга ошишида юқорида қайд этилган, истеъдодлар ҳаёти ва ижодкорлик фаолиятидан ибрат-намуна сифатида фойдаланса ижобий натижаларни кўлга киритишига шубҳа қолмайди. Бу жараён нафақат ёшларга, балки катталарга ҳам қаратилган бўлади. Чунки ижодкорлик инсоннинг пайдо бўлганидан бошлаб, то умрининг охиригача зарур бўлган ҳаётий эҳтиёждир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Махмудов Т., «Талант художника и общество», Т., 1972.
2. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2011 йил 2-сони
3. Тагаев, Х., & Толипов, У. К. (1993). Педагогические основы совершенствования творческой личности. М.: Ротанпринт ИСО РАО
4. Исмаилов, Т. Д., Тагаев, Х., Низамов, Ш. Ш., & Суюнов, У. Д. (2019). Педагогические основы совершенствования творческой личности студентов. *Поволжский педагогический поиск*, (2), 104-111.
5. Тагаев, Х., Алкаров, К. Х., Каримов, О. О., & Юлдашев, М. (2019). Педагогические основы обеспечения стабильности роста и развития системы научно-технического творчества студентов (Модель "Руководитель-Участник-Творческая деятельность"). *Поволжский педагогический поиск*, (2), 112-119.
6. Исмаилов, Т. Д., Тагаев, Х., Юсупов, К. Я., & Эргашев, Х. (2016). О МЕТОДИЧЕСКОЙ РАБОТЫ ПО ПОЛИТЕХНИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКИ УЧИТЕЛЕЙ. In *Современные тенденции развития аграрного комплекса* (pp. 1678-1681).
7. Тагаев, Х., Алкаров, К. Х., Артикова, О. Ш., & Мамаджанова, К. А. (2016). ПАТЕНТ-КАК ЯДРО И СТРАТЕГИЧЕСКИЙ ШАГ ВПЕРЕД К НОВЫМ ВЫСОТАМ ТЕХНИЧЕСКОЙ И ИНЖЕНЕРНОЙ МЫСЛИ. In *Современные тенденции развития аграрного комплекса* (pp. 1773-1776).
8. Тагаев, Х., Убайдуллаев, С., Алкаров, К. Х., & Оришев, Ж. Б. (2016). ПОВЫШЕНИЕ ПАТЕНТНЫХ ЗНАНИЙ В ПРОЦЕССЕ ОБУЧЕНИЯ. In *Современные тенденции развития аграрного комплекса* (pp. 1776-1780).
9. Исмаилов, Т. Д., Тагаев, Х., Низомов, Ш. Ш., & Юсупов, М. М. (2015). ФОРМИРОВАНИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ УМЕНИЙ И НАВЫКОВ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ ТРУДА. *Н-34 Научно-практические основы устойчивого ведения аграрного*, 217.
10. Тагаев, Х., Оришев, Ж. Б., & Юсупов, М. М. (2015). ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ РЕАЛИЗАЦИИ КОМПЕТЕНТНОГО ПОДХОДА В МУНИЦИПАЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ НА ОСНОВЕ АПК В СОВРЕМЕННЫХ УСЛОВИЯХ. In *ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ И СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ РАЗВИТИЯ АРИДНЫХ ЭКОСИСТЕМ* (pp. 187-189).

11. Тагаев, Х., Эргашева, С. Т., Ахмедова, Г. М., & Юсупов, М. (2016). Повышение качества образования и подготовки кадров апк в современных условиях. In *Современные тенденции развития аграрного комплекса* (pp. 1780-1782).

12. Тагаев, Х., & Игамбердиев, Х. Х. (2019). Формирование у студентов изобретательских умений в политехническом образовании. Проблемы архитектуры и строительства. *Проблемы архитектуры и строительства*. Научно-технический журнал. Самарканд, (2).

13. Тагаев, Х. И. Т., & Исмаилов, Т. (1992). Совершенствование профориентационной подготовки в условиях обучения без отрыва от производства «Проблемы подготовки специалистов по профориентации в педвузе» Материалы Международная научно-практическая конференции.

14. Ismailov T.J, Tagaev X, Kholmatov P.K, Yusupov K.Y, Alkarov K.Kh, Orishev Zh.B Karimov O.O. (2020). Cognitive-Psychological Diagram Of Processes Of Scientific And Technical Creativity Of Students. *International Journal of Advanced Science and Technology*, 29(08), 3669-3677.

15. Orishev, Jamshid (2021) "PROJECT FOR TRAINING PROFESSIONAL SKILLS FOR FUTURE TEACHERS OF TECHNOLOGICAL EDUCATION," *Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal*: Vol. 2021 : Iss. 2 , Article 16.

16. Orishev, J. (2020). ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ПЕДАГОГЛИК МАСЪУЛИЯТИ . *Научно-просветительский журнал "Наставник"*, 1(1).

17. Xolmatov, P., & Orişev, J. (2020). ДАРСДАН ТАШҚАРИ МАШҒУЛОТЛАРДА ЎҚУВЧИЛАР КАСБИЙ ТАРБИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ. *Физико-технологического образование*, 1(1)

18. Xolmatov, P., & Orişev, J. (2020). УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ-ҲУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ. *Физико-технологического образование*, 1(1)

19. Убайдуллаев, С., Алибоев, Т.Ч., & Оришев, Ж. Б. (2020). МАТЕРИАЛЛАРНИ КЕСИБ ИШЛАШ АСБОБЛАР ВА ДАСТГОҲЛАР ФАНИДАН АМАЛИЙ-ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ УСЛУЛАРИ . *Научное знание современности*, (11), 26-29.

20. Алибоев, Т., Оришев, Ж., & Орипова, Ф. (2016). РАЗВИТИЕ ТЕХНИЧЕСКОЕ ТВОРЧЕСТВА СТУДЕНТОВ НА УРОКАХ. In *Современные тенденции развития аграрного комплекса* (pp. 1681-1683).

21.Оришев, Ж. Б. (2019). ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ. *Интернаука*, (43-2), 70-72

22.Убайдуллаев, С., Алкаров, К. Х., & Оришев, Ж. (2017). ГАРАНТИИ ВНЕДРЕНИЯ НОВОЙ ТЕХНИКИ ПО ЭКСПЛУАТАЦИОННЫМ ПАКАЗАТЕЛЯМ. In *Научно-практические пути повышения экологической устойчивости и социально-экономическое обеспечение сельскохозяйственного производства* (pp. 1242-1245).

23.Убайдуллаев, С., Оришев, Ж. Б., & Ортиқова, О. Ш. (2019). УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМДА" ДАРСЛАРДА ЭКОЛОГИК ТАНАФФУС" ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯСИГА АСОСЛАНГАН ЭЛЕКТРОН ҚЎЛЛАНМАЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ. *Интернаука*, (20-3), 62-63.

24.Низомов, Ш., & Оришев, Ж. Б. (2020). МЕТАЛЛАРНИНГ ХОССАЛАРИ МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ. *Научное знание современности*, (2), 48-52.

25.Orishev, J. (2020). The use of information and communication technologies in the educational process. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

26.Orishev, J. (2020). Criteria for assessing practical work in higher education. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

27.Orishev, J. (2020). The main stages of Project Education. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

28.Orishev, J. (2020). Роль информационных технологии в подготовке будущих учителей технологического образования. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

29.Sharipov, S. (2020). ТРЕБОВАНИЯ К ФОРМИРОВАНИЮ ЛИЧНОСТИ СОВРЕМЕННОГО УЧИТЕЛЯ. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

30.Sharipov, S. (2020). ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ РЕАЛИЗАЦИИ МНОГОУРОВНЕВЫХ ПРОЦЕССОВ ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

31.Sharipov, S. (2020). ПРЕЕМСТВЕННОСТЬ РАЗВИТИЯ ТВОРЧЕСКОЙ ЛИЧНОСТИ В СИСТЕМЕ НЕПРЕРЫВНОГО ОБРАЗОВАНИЯ. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

32.Sharipov, S. (2020). ОПРЕДЕЛЕНИЕ СТАДИЙ ТВОРЧЕСКОГО ПРОЦЕССА. *Архив Научных Публикаций JSPI*.